

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қўрғонтепа туман Ободонлаштириш

бўлиқармаси бошлиғи:

Б.Мамаджонов

ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИГА
ҚАРАШЛИ ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИ ЯНГИ ОБОД МФЙ БЕШАРИК
КЎЧАСИНИ АСФАЛЬТЛАШ ИШЛАРИНИ ЛОЙИХА СМЕТА
ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қўрғонтепа туман - 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА I.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА
ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТ

1.Танлов предмети: Қўрғонтепа туман Ободонлаштириш бўлимига қарашли Қўрғонтепа тумани Янги обод МФЙ Бешарик кўчаларини асфальтлаш ишларини лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш

1.2.Танловнинг юқори қиймати— 22 000 000 (йигирма икки миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича қолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: қолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

I .5.Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қўрғонтепа туман Ободонлаштириш бўлими (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) — танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили .• Қўрғонтепа туман Мустиқлик кўчаси 50 – уй

2.2.Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Қўрғонтепа туман Ободонлаштириш бўлими "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига караб, "лицензия" ва "гувоҳнома" 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт

- Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганилиги
- Техника ҳафсизлиги коидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; молмулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига қўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов ҳужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ қўрсаткичлар кўрсатилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4. 3.Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

факат битги таклиф бериши мумкин; тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1 .Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч қун олдин қарор қабул қилишгаа ҳақли. Товари (ишни, хизмати) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ун қунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳами. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки қун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7. 3. Тақлифларни қўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қўчирма у имзолаган қундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси тақливларни қўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни татим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда қўрсатилган шартлар асосида тузилади.